

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 20-sentabr, shanba № 75 (15817)

Navqiron avlod soʻzi

Байроғимиз билан руҳимиз ҳам юксалади

Спортчининг ҳаётида ҳаяжонли дақиқалар кўп бўлади. Бунга Олимпиада ўйинлари, жаҳон чемпионатлари сингари нуфузли мусобақаларни телевизор орқали кўриб амин бўлганман. Айниқса, Олимпиада бошланиши олдида ҳар бир мамлакат байроғини спортчилар баланд кўтариб майдон узра олиб ўтаётганларида нафақат уларнинг ўзлари, балки стадиондаги минглаб, телеэкран қаршисидаги миллионлаб инсонлар тўлқинланиб кетишини ҳис қилиб турардим. Бундан икки йилгина олдин Лондонда ўтказилган ёзги Олимпия ўйинларининг очилиш маросимини кузата туриб, қанийди, мен ҳам шундай мусобақаларда Ватанимиз шаънини ҳимоя қилсам, деб орзу қилган эдим. Бу орзу мени ўз устимда янада кўпроқ ишлашга ундади.

Шу йилнинг баҳорида Кувайтда ўтказилган ўқ отиш бўйича халқаро мусобақада ғолиб бўлиб, ўсмирлар ўртасидаги иккинчи Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритганимда орзуларимдан бири ушалган эди. Бироқ мен ўзбекистонлик спортчилар салоҳияти бирор мусобақага йўлланма олиш билан чекланиб қоладиган даражада эмаслигини яна бир карра исботлашим учун бундан-да юқори натижаларга эришишим керак эди. Шу боис мураббийларим кўрсатмаларига тўлиқ амал қилган ҳолда тинимсиз машқ қилдим, ўзимни руҳан тайёрладим.



Нанкинда ҳаммаси осон кечди, десам муболаға бўлади. Бироқ сен Ватанинг обрўси, шарафи учун майдонга тушаркансан, фақат юқори мақсадларни кўзлашинг керак. Бунга ўзимга шиор қилиб олдим ва мусобақа мубайдида унга амал қилдим.

Юқорида спортчи ҳаёти ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлади, деганимда ўзимнинг ҳаётимни назарда тутган эдим. Спорт билан профессионал тарзда шуғуллана бошлаган илк куним, биринчи марта халқаро турнирда иштирок этганим, биринчи ғалабам — буларнинг ҳар бири мен учун қадрли. Лекин халқаро мусобақада ғолиб чиқиб, сенинг шарафингга ўзга юртда она Ватанинг мадҳияси янграसा, байроғи баланд кўтарилса, бундан ортиқ ҳаяжон ва бахт бўлмас экан! Ўсмирлар Олимпиадасида шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилганимда Ўзбекистон мадҳияси янграши билан кўзимга ёш келди. Очиги, ўша лаҳзаларда мен ташкилотчиларни ҳам, томошабинларни ҳам кўрганым йўқ, кўз олдимда фақат юртимиз байроғи, уни кўтариб турган уч-тўрт нафар юртдошимиз бўлди. Уларнинг юзида ҳам қувонч акс этиб турарди.

Мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллигига бағишланган

Владимир СВЕЧНИКОВ,
ўсмирлар ўртасидаги
II Олимпиада ўйинлари
чемпиони

Давлат мукофоти соvrindorlari



ПАРВОЗДАГИ ИСТЕЪДОД

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил топганида Элёрбек Худойбердиев ўсмир бола эди. 13 йил ичида «Камалак» болалар ташкилоти сардоридан Ҳаракат қошидаги «Ўқув-услубий марказ» нодавлат таълим муассасасининг Фарғона вилоятидаги бош координаторигача йўлни босиб ўтди. Унинг бутун мамлакат ёшларига ўрнак бўладиган яна бир жиҳати бор: жорий йилда Элёрбек Президентимизнинг фармонида кўра, «Шухрат» медали билан тақдирланди.

28 ёшида давлатимизнинг юксак ишончига сазовор бўлган бў йигитнинг Ҳаракат ҳаётида-

ги иштироки ва бугунги фаолияти кўпчиликини қизиқтириши табиий. Қуш ҳам кўкка ма-

шаққатсиз учолмайди. Шу сингари ҳар бир ютуқ ва муваффақиятни инсон иродаси ва меҳнатсеварлигига берилган рағбат дея қабул қилмоқ жоиз. Элёрбекнинг етакчилик қобилияти мактабданоқ маълум эди. Тошлоқ туманидаги 4-мактабда «Камалак» болалар ташкилоти тузилганида у сардорлар кенгашига аъзо бўлди. Меҳр-шафқат йўналишида фаолият олиб борди. Бир йил ўтиб, Сардорлар кенгашининг раиси этиб сайланди.

(Давоми 4-саҳифада)

Reportaj

Маънавият сарчашмаси

Пойтахтимиздаги Фафур Фулом номидаги маданият ва истирожат боғи ҳар қачонгидан-да гавжум. Етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган барча китобхонларни ўз бағрига чорлаган мазкур боғда «Соғлом ва маънавий етук авлод — юрт келажаги!» шиори остида «Болалар китоби» республика фестивали бўлиб ўтди.

Ўзига хос маънавият ва маърифат байрамига айланган фестиваль илк бор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Маданият ва спорт ишлари ҳамда Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» халқаро

хайрия жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда «Ўздавкитобсавдотаъминоти» масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ёш авлод маънавиятини юксалтириш, уларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш, интеллектуал ва маънан етук бўлиб улғайишида китобнинг ўрни ва аҳамиятини тушунтириш, адабиётга бўлган қизиқишини ошириш, болаларга мўлжалланган адабиётлар салмоғини кўпайтириш, шу билан бирга болалар адабиётига ихтисослашган нашриётлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ёшларни янада китобхонликка кенг жалб этиш мақсадида ўтказилган фестивалда ношир ва матбаачилар, адабиётшунослар, шоир ва ёзувчилар, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, талаба-ўқувчилар ҳамда китобсеварлар иштирок этди.

(Давоми 5-саҳифада)

«Saylov — 2014»

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2014 йилда бўлиб ўтадиган сайловларни ёритиш бўйича республика матбуот марказини ташкил этишга оид масала кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов бошқарган йиғилишда сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси, уни юқори савияда ўтказиш ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга молик масала эканлиги таъкидланди. Айниқса, бу жараёнда ошкораликни таъминлаш фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари тўлиқ таъминланишига, мамлакатимизнинг демократия йўлидан янада тараққий этишига хизмат қилади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида», «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси 2014 йилги сайлов жараёнини

ёритиш бўйича республика матбуот марказини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Матбуот марказининг асосий вазифаларидан бири мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари ходимларига сайловга тайёргарлик кўриш ва сайлов жараёнини ёритиш, ахборот олиш ва уни тарқатиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратишдир. 2014 йилги сайлов жараёнини ёритиш бўйича матбуот маркази Тошкент шаҳри Навоий кўчаси 16-уйдаги Ўзбекистон Миллий матбуот маркази биносига жойлаштирилди. Бу ерда журналистларнинг сайлов жараёнининг барча босқичларини самарали ёритиш борасидаги фаолияти учун барча шарт-шароит яратилган.

Сайловларнинг боришини ёритиш истагида бўлган оммавий ахборот воситалари вакил-

лари Марказий сайлов комиссиясида белгиланган тартибда аккредитациядан ўтиши керак. Аккредитациядан ўтиш тартиби билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг www.elections.uz расмий сайти орқали танишиш мумкин. Тегишли тартибда аккредитациядан ўтган журналистлар Марказий сайлов комиссияси томонидан ўтказилган брифинг ва матбуот анжуманларида иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

Йиғилишда 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар Дастурида кўзда тутилган бошқа масалалар кўриб чиқилди. Таъкидланганидек, дастур доирасидаги барча тадбирлар сайлов қонунчилиги талабларига қатъий мувофиқ тарзда амалга оширилмоқда.

Мажлисида комиссия ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

ЎЗА

«Adabiyotga e'tibor — ma'naviyatga, kelajakka e'tibor»

«Биринчи китобим» истеъдодларни кашф этмоқда

Истеъдод парвозга шайланган кабулар мисоли. Унга қанча кўп имконият яратиш берилса, шунча юксакка парвоз этади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан юртимизнинг турли ҳудудларида ташкил этилаётган «Истеъдод мактаби» минтақавий семинарлари ҳам ёш иқтидорларни кўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Янги-янги истеъдодларни аниқлаш, ўғил-қизларнинг бадиий-эстетик ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топишига қаратилган навбатдаги «Истеъдод мактаби» минтақавий семинари пойтахтлик ёш ижодкорлар учун ташкил этилди. Семинар иштирокчилари шўбаларга бўлинган ҳолда бадиий ижоднинг назм, наср, драматургия, болалар адабиёти, бадиий публицистика ва бадиий таржима каби йўналишларда ўтказилган машғулотларда қатнашди. Таниқли ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, драматурглар, таржимонлар ҳамда публицистлар иштирокида олиб борилган дарс машғулотлари қизиқarli баҳслар, савол-жавоблар, таҳлиллар ва мушоира тарзида ўтди.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида ўтказилаётган мазкур семинарларда ижобий баҳо олган ёш қаламкашларнинг илк китоблари «Биринчи китобим» рукни остида «Ижод» фонди томонидан нашр этилиб, мактаб, лицей ва касб-хунар коллежларига тарқатилмоқда.

Ўрол ҲАМИДУЛЛАЕВ,
ЎЗМУ талабаси

.UZ доменига журналистиканинг истикболлари

Kun mavzusi

Пойтахтимиздаги «Dedeman Silk Road» меҳмонхонасида «Миллий интернет журналистикани ривожлантиришнинг долзарб масалалари» мавзусида республика илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.



Тадбир Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар ахборот хизматлари ходимлари, соҳа мутахассислари, блоггерлар, талабалар қатнашди. Семинар иштирокчилари миллий интернет журналистиканинг бугунги ҳолати ва ривожланиш босқичлари, веб-нашрлар фаолиятини яхшилаш, uz доменида мулоқот майдонини

яратиш масалалари бўйича ўзаро фикр алмашди.

Тадбирнинг биринчи кунинда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси раиси А. Жўраев сўзга чиқиб, бугунги илмий-амалий семинарнинг аҳамияти, электрон оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг қонуний асослари ҳақида гапириб, замонавий медиага интернет журналистикани

яхши биладиган мутахассислар зарурлигини таъкидлаб ўтди.

— Онлайн журналистикани ривожлантириш ва соҳада фаолият олиб бораётган журналистларни кўллаб-қувватлашда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг аҳамияти катта, — дейди фондининг бош мутахассиси Мадина Рўзматова. — Ҳозирда фонд миллий домендаги босма нашрларнинг веб-сайтларини яратишда яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Шунингдек, жойларда интернет журналистикани ривожлантиришга оид турли

ўқув-семинарларни ташкиллаштирмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси Саида Сулаймонова маданый ва ижтимоий турмуш нуқтаи назаридан ОАВни таҳлил этишнинг назарий методологик асосларини шакллантириш бўйича маъруза қилди. Сўнгра қатнашчилар интернет журналистиканинг тараққиёти, долзарб масалалари бўйича ўз мулоҳазаларини билдирди.

— Семинарда электрон сайтларнинг веб-дизайни, ундаги видео-эффектлар ҳақида ҳам маълумотга эга бўлдик, — дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси Гулшода Йўлдошева. — Веб-нашрлар томонидан тарқатилаётган ахборотлар сифати ва уларнинг психологик таъсири ҳақида мутахассислар билан ўзаро фикр алмашдик. Ишонманок, мазкур тадбир миллий сегментдаги онлайн журналистикани ривожлантиришда муҳим қадам бўлади.

Семинарнинг иккинчи кунинда миллий доменда фаолият кўрсатаётган www.daryo.uz, www.kun.uz, www.uz24.uz сайтларининг тақдимоти

ўтказилди.

«Simple networking solutions» масъулияти чекланган жамияти директори Фарҳод Файзуллаев маълумотларни қулай ва сифатли тақдим этиш учун янгиликлар тарқатаётган www.daryo.uz веб-сайтнинг мобил қурилмалар учун иловаларини, www.uz24.uz сайтидаги мультфильм шаклидаги жамоатчилик назорати роликларининг аҳамияти ҳақида сўзлади.

Тадбирда мутахассислар олий ўқув юрларининг журналистика факультетларида интернет журналистикаси бўйича алоҳида йўналишлар ташкил этиш ва электрон ОАВ соҳасини тартибга соладиган миллий қонунчилик тизимини такомиллаштириш хусусида фикрлашиб олди.

Икки кунлик семинар сўнгида билдирилган таклифлар умумлаштирилиб, тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Семинар маърузалари «Миллий интернет журналистикани ривожлантиришнинг долзарб масалалари» илмий-амалий тўпламида чоп этиладиган бўлди.

Кумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» мухбири

Tadbir

Тошкент шаҳрида номоддий маданий мерос муҳофазаси бўйича бешинчи минтақавий халқаро фестивал бўлиб ўтди.

Маданий мерос — бебаҳо қадрият

ЮНЕСКОнинг Тошкентдаги ваколатхонаси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Осиё ва Тинч Океани минтақаси номоддий маданий мерос муҳофазаси бўйича халқаро ҳамкорлик маркази, Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон, Мўғлистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон давлатларидан келган соҳа мутахассислари ва олимлар иштирок этди.

Ўзбекистон номоддий маданий мероси ўзига хослиги, бетакорлиги ва маънавий бойлиги билан ажралиб туради. Шу боис, мамлакатимизда маданият ва санъат соҳаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фаолият кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада турли ташкилот ва муассасалар ўртасида кўплаб қарорлар қабул қилиниб, кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Ана шундай ишлар сирасига Номоддий маданий мерос муҳофазаси бўйича ЮНЕСКО халқаро конвенциясининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилиниши, қонуний базанинг халқаро ҳуқуқ нормаларига мослаштирилиши, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг қабул қилинишини киритиш мумкин.

Дастур ижросини таъминлаш мақсадида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази томонидан Фарғона водийси, Зарафшон воҳаси, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда юртимизнинг бошқа ҳудудларида номоддий маданий мерос муҳофазаси бўйича малакали мутахассис ва олимлар томонидан тадқиқот ишлари, илмий-амалий семинарлар, кўрик-танлов ва фестиваллар ҳамда бошқа тадбирлар ташкил этилмоқда. Шунингдек, ЮНЕСКОнинг Тошкентдаги ваколатхонаси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий комиссияси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Учрашув давомида «Марказий Осиё номоддий маданий меросининг яратувчанлик қийматини сақлаб қолиш: оғзаки аъёнлар ва дostonлар мисолида» мавзусида илмий симпозиум ҳам бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиёдаги номоддий маданий мерос оғзаки аъёнларининг бебаҳолиги, уларнинг фарқи, маданий тажриба алмашинувида Буюк Ипак йўлининг аҳамияти ҳақида сўз борди. Шунингдек, оғзаки аъёнлар ва дostonларни муҳофаза қилиш чоралари, Марказий Осиёда этник ўзига хослик ва дoston, Буюк Ипак йўли аъёнларий мерослари каби мавзуларда тақдимотлар намойиш этилди.

Тадбир якунида сўнгги уч йил давомида амалга оширилаётган лойиҳалар натижалари ҳамда истиқболли режалар муҳокама қилинди.

Учрашув доирасида бир қатор маданий тадбирлар юқори савияда ташкил этилгани, хусусан, Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойлари, ўзбек миллий таомлари ва ижрочилик санъати намуналари меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Аброр МЕЛИБОЕВ,
Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази етакчи мутахассиси



Iste'dod

Ёш рассомлар ижодига Ватан мадҳи

Пойтахтимизда «Мустақиллик мадҳи — болалар ижодида» шиори остида расмлар танлови ҳамда кўргазма ташкил этилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши, халқ таълими бош бошқармаси ҳамда Камолитдин Бекзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ҳамкорлигида ўтказилган мазкур танловда умумтаъ-

лим мактабларининг 8-9-синф ўқувчиларидан иборат икки юз нафарга яқин ёш иштирок этди.

Дастлаб ёш рассомлар «Эко боғ» худудида истиқлол ҳақидаги тасаввурларини қоғозга туширди. Танловнинг иккинчи кунда

«Болажон» боғида ижодкорларнинг ранг-баранг композицияларидан иборат расмлар кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмадан сўнг барча иштирокчилар Ўзбекистон давлат санъат музейига саёҳат уюштирди.

Саёҳат якунида энг яхши ижодкорлар ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди. Ватани мадҳ этувчи куй-қўшиқлар барчага манзур бўлди.

— Ватанимиз жуда гўзал. Уни қанча тасвирламайлик, оз, — дейди танлов иштирокчиси Зебо Азизова. — Чизган расмларим ижодкор тенгдошларим орасида энг яхшиси деб топилди. Бундан хурсандман. Келгусида юртимиз жамолини бундан-да гўзал тасвирлашга ҳаракат қиламан.

Зарнигор АБДУМАЛИКОВА,
«Turkiston» мухбири

Sening tengdoshing

Ўқувчи-гастурчи

9-синф ўқувчиси **Шоҳжаҳон Икромовнинг веб-сайти эътирофга сазовор бўлди.**

Мамлакатимизда таълим тизимига қаратилаётган юксак эътибор самараси ўларок, бугун ёшларимиз турли соҳаларда эришаётган ютуқлар тобора ортмоқда.

Иқтидор эгалари юртимизнинг ҳар бир гўшасида кўплаб топилади. Навоий вилоятининг олис манзилларидан бири — Учқудук туманида 7-умумтаълим мактаби жойлашган. Шоҳжаҳон Икромов шу мактабда таълим олади. Ҳозир у 9-синф ўқувчиси. Оддий ўсмир бола — кўплаб тенгдошлари каби ҳаётда ўз йўлини, жамиятда ўз ўрнини топишга интилоқда. Аммо Шоҳжаҳоннинг бошқа сифатлари ҳам бор. У анчайин тиришқоқ, изланувчан. Яна, компьютер ва ахборот технологияларини жуда яхши ўзлаштирган.

2012 йилда Навоий вилояти ҳокимлиги томонидан ташкил этилган «Энг яхши мактаб сайти» кўрик-танловида Шоҳжаҳоннинг веб-сайти учинчи ўринга муносиб топилди. Бу ютуқдан сўнг Шоҳжаҳон дастурий маҳсулотлар яратишга доир изланишларини тўхтаб қўймади. Ёшлар учун қизиқarli яна бир сайт яратди. Янги ишланмаси билан ўқитувчилар ҳамда ўқувчиларнинг масофавий таълим пор-

талида ташкил қилинган «Халқ таълими тизимидаги энг яхши веб-сайтлар» кўрик-танловида иштирок этиб, «Энг яхши ўқувчи веб-сайти» йўналишида ғолиб бўлди. Шунингдек, ёш дастурчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган «Энг яхши ахборот-таълим ресурси» республика кўрик-танловининг худудий босқичида «Ўқув дастурлар» номинацияси бўйича учинчи ўринни қўлга киритди.

Шоҳжаҳон Икромов бир қатор таълим ресурслари, виртуал тастлар, лугатли ўйинлар учун веб-дастурлар, видеороликлар муаллифидир. Билганини тенгдошларидан аямайди. Ўтган ўқув йилида у Учқудук тумани ҳокимлиги томонидан иқтидорли ёшлар учун жорий қилинган махсус стипендия соҳиб бўлди.

Бу эса мамлакатимиз келажакдаги Шоҳжаҳон сингари ёшлар кўлида эканидан далолатдир.

Отабек АСЛОНОВ,
«Turkiston» мухбири

Жорий ўқув йилида Бухоро вилоятида 28790 нафар ўғил-қиз «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилотига аъзо бўлди. Аъзоликка қабул қилиш тадбирлари «Камалак» аъзосиман» лойиҳаси доирасида барча шаҳар ва туманларда кўтаринки руҳда ўтказилди.

Лойиҳанинг якуний қисми вилоят мусиқали драма театрида ташкил этилди. Унда 770 нафар ўқувчи ҳамда профилактик ҳисобда турадиган вояга етмаган ёшлар иштирок этди. «Камалак» сафига эндигина қўшилган болаларга тантанали тарзда махсус кўкрак нишонлари тақилди.

Тадбир давомида болалар ташкилоти сардорлари «У ким, бу нима?» интеллектуал ўйинини ўтказди. Шунингдек, «Қалбга йўл» акциясини амалга ошириб, «Камалак»нинг янги аъзолари билан бирга уйда таълим олаётган олти юз нафар тенгдошлари ҳолидан хабар олди.

Кутилмаган меҳмонлар Пешку туманидаги «Маҳалла» қишлоғида истиқомат қилаётган ўн бир ёшли Дилноза Акбарованинг хонадонидан ҳам бўлди. Дилноза барча фанлардан аъло баҳоларга ўқийди. Бадий китоблар мутолаа қилади, расм чизади, қуроқчилик билан шуғулланади. Унинг қўл меҳнати намуналари маҳалла мактабидеги «Фаол ўқувчилар» бурчагидан ўрин олган.

— Бугун «Камалак»ка аъзо бўлдим, — дейди фахр билан Дилноза Акбарова. — Тенгдошларимнинг эътиборидан бошим кўкка етди. Улар менга аъзолик нишонини топширди. Ташкилотда қандай фаолият олиб боришимиз ҳақида фикрлашиб олдик.

Лайло ҲАЙИТОВА,
«Turkiston» мухбири

«Камалак»ка қадам

Парвоздаги истеъдог

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Коллеждаги таълим жараёнида унинг ижтимоий фаоллиги янада ошди. 1-курсда у гуруҳдошлари билан бирга «Бунёдкор» ёшлар клубини ташкил қилди. Ўзига ўшаган ташаббускор йигит-қизларнинг етакчи бўлишига кўмаклашди. Шундай қилиб, Тошлоқ агросаноат касб-хунар коллежи ўқувчиси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгашининг эътиборига тушди. Ўқишни битиргач, кенгаш қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази»га ишга таклиф қилинди. Бу ерда қаҳрамонимиз ёшларнинг талаблари асосида «Ҳуқуқий маслаҳат» йўналишини очди. Ва бир вақтнинг ўзида тумандаги «Камалак» болалар ташкилоти раиси сифатида фаолият олиб борди.

2007 йилда Элёрбекка янада масъулиятли вазифа топширилди. Энди у Ҳаракатнинг вилоят кенгаши тизимида кадрлар сиёсатини амалга ошира бошлади. Ёшлар ташкилотининг деярли барча поғоналарида ўзини синаб кўрган ва юқори салоҳиятли мутахассис эканини исботлаган қаҳрамонимиз 2008

йилда «Етакчи» ёшлар марказининг вилоят филиали раҳбари этиб тайинланди. Унинг саъй-ҳаракати билан филиалда ёш тренерлар жамоаси шаклланди. Ҳозирги кунда малакали жамоа ёшларда етакчилик қобилиятини шакллантириш, жамиятнинг фаол аъзосига айланишларига кўмаклашиш, етакчи имижини яратиш, «Камолот» ЁИХ лойиҳаларини оммалаштириш ва бошланғич ташкилотлар етакчиларининг маҳоратини оширишга қаратилган ўқув-семинарлари ўтказиб келмоқда.

— Ўтган давр мобайнида вилоятимиздан тўрт нафар бошланғич ташкилот етакчиси давлат мукофоти билан тақдирланди, уч нафари аънавий тарзда ўтказиладиган «Энг намунали бошланғич ташкилот» республика кўриктанловида ғолиб бўлди. Бунда менинг ҳам ҳиссам борлиги, юртимиз равнақида хизмат қилиш йўлида бор имкониятимизни аямай, юксак марраларга етаётганимиз кучимизга куч қўшмоқда, — дейди Элёрбек Худойбердиев.

2014 йил «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати тизимида «Бошланғич ташкилотлар йили» деб эълон қилинган. Шу муносабат билан бошланғич



ташкилотлар фаолияти самардорлигини оширишга қаратилган «Зукко етакчи», «Бошланғич ташкилот ўқув ойлиги», «Йилнинг энг фаол етакчиси» каби қатор лойиҳалар ишлаб чиқилиб, амалга ошириляпти.

Бундан ташқари, ёшлар муаммолари ва қизиқишларини аниқлаш мақсадида жорий йилда «Етакчи» ёшлар маркази томонидан «Ёшлар ва интернет», «Ёш оилаларга психологик ёрдам», «Никоҳдан олдинги тиббий кўрик» мавзуларида социологик тад-

қиқотлар ўтказилиб, натижалари рисола шаклида чоп этилди. Вилоятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш, миллий маданий марказлар билан ҳамкорликни кучайтириш мақсадида «Дўстлик», «Биз — бир Ватан фарзандларимиз!» фестивалларини мунтазам равишда ўтказиш йўлга қўйилди.

2012 йилдан буён Элёрбек «Камолот» клублари» ассоциациясини бошқариб келмоқда. Мазкур тузилма ёшлар муаммоларини аниқ-

лаш ва уларга ечим излашни асосий мақсад қилиб олган. Айтиш керакки, ассоциацияга саксон нафар ёш бирлашган. Улар ёрдамида «тенгдош — тенгдошга» таъмоили асосида тарғибот лойиҳалари амалга ошириб келинмоқда.

Э.Худойбердиевдек Ҳаракатнинг ҳақиқий суянчи ва таянчи бўлган ёшларнинг ғайрати барчамизни ҳаракатга, янги парвозларга ундайди.

Нодиржон ЮСУПОВ,
«Turkiston» муҳбири

МУСТАҚИМЛИК ВА МАЪНАВИЯТ УЙҒУНЛИГИ

Мустақиллик халқимиз тарихи ва миллий маданиятимизни ўрганишга, у ҳақида холис фикр билдиришга имкониятлар яратди, тарихий ёдгорликларимизни асраш, миллий қадриятларимизни тиклашга замин ҳозирлади. Маънавият масаласи ижтимоий ҳаётимизнинг асосий масалаларидан бирига айланди.

Дарҳақиқат, бугун инсон ҳаётида моддий эҳтиёж қанчалик муҳим аҳамият касб этса, маънавий эҳтиёжларга ҳам талаб ундан кучлироқдир. Бинобарин, маънавият инсоннинг ақлу заковатини чархлайди, тафаккурини бойитади, ирода ва иймонини бақувват қилади. Маънавий баркамол одам ҳар қандай қийинчиликларга қарши тура олади, мард ва матонатли бўлади, синовларни сабот билан енгади. Бошқаларга ўрнак ва намуна бўлиб, уларни ўз ортидан эргаштира олади. Маънавият жамики яши нарсаларни озиқлантиради, эзгу туйғуларни тарбиялайди.

Маънавият — улкан, беқиёс куч. Ҳар бир миллатнинг ўз маъна-

виятини чуқур англаши унинг порлоқ келажигига бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Истиқлол шарофати билан ўзбек халқининг неча асрлик бой тарихий, илмий, маданий меросини ўрганиш, ундан фойдаланишга кенг йўл очилди. Маънавиятимизнинг қадимийлиги, бугунги кундаги аҳамияти, салоҳияти чексиз эканини тўла кўрсатмоқ учун «Авесто»дан бошлаб, Форобий, Навоий, Бобур, Фурқат, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Авлоний сингари жаҳон тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган буюк мутафаккир алломаларимиз фаолиятини эътироф этиш билангина чекланмаслик керак. Мустақил Ўзбекистоннинг тараққиёти ҳар бир шахс ва айниқса,



ёшларнинг маънавий камолоти, истиқлол ғояларининг кишилар онгига, кундалик ҳаётига чуқурроқ сингишига боғлиқдир. Ўзбекистоннинг буюк келажигини барпо этишда ўз ҳиссасини қўшаётган ҳар бир фуқаро ўз мамлакатини, халқини, миллатининг ажралмас бўлаги эканини англаши — миллий маъ-

навиятнинг таркибий қисмидир.

Ўтаётган вақтнинг ҳар лаҳзасидан унумли фойдаланиб, онгу шуури, маънавиятини доимий бойитиб борадиган, ҳар бир ишга астойдил киришиб, ўзи ва бошқаларга ижобий наф келтирадиган одамнинг кўнгли бамисли бўстондек файзли бўлади. Бундай ки-

шилар миллат ва халқнинг маънавий тараққиётига туртки беради, куч бағишлайди. Шу сифатларга эга фуқаролар мамлакатнинг маънавий кудратини юксалтиради, иқтисодий-ижтимоий ҳаёти фаровонлашиб бораверади. Юртбошимизнинг куйидаги сўзлари ҳам Ўзбекистон айтиши шу қадриятларга таяниб ўз келажигини курмоқчи эканини ифодалайди: «Бу соҳадаги ишларимизнинг пировард мақсади — иймону-этиқоиди бутун, иродаси бақувват, эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдир. Яъни мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс — комил инсонни тарбиялашдан иборат».

Куч зўрми, ақл, деган масала қадим-қадимдан кўп тортишувларга сабаб бўлган. Куч-қудрат ақл-идроққа, маънавият ва маърифатга таянса — энг тўғри йўл шу. Бугунги кунда тараққий топган давлатлар шу ҳақиқатга амал қилган ҳолда ривожланмоқда. Юртимизда барпо этилаётган ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятида ҳам шу таъмоилга амал қилинади. Халқимиз ва давлатимизнинг кучи ақл, билим ва тажрибалар асосида

қабул қилинган қонунларимизда, уларга таяниб амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларимизда яққол намоён бўлмоқда.

Бугун мустақил давлатимиз тараққиётнинг катта йўлида шахдам қадамлар билан илгариланган бормоқда. Бинобарин, ҳар томонлама етук ва бақувват халқ сифатида буюк давлат, адолатли жамият барпо этиш йўлида аҳил ва баҳамжиҳат бўлиб, ўзлигимизни, мустақиллигимизни, муқаддас Ватанимизни кўз қорачигидай асраб-авайлашга ҳамиша тайёр, бу муқаддас фарзандлик бурчинини шараф билан адо этмоққа доимо қодир бўлишимиз шарт. Бу улғувор мақсадларга эса миллий маънавиятимизни янада юксалтириб, янада такомиллаштириб бориш йўли билан эришамиз. Шундай экан, маънавият ва маърифатни юксалтириш, тарғиб қилиш, бойитиш, ҳар бир фуқаронинг онгу шуурида юксак маънавий даражани таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Шоҳида ЭШМАМАНОВА,
«Камолот» ЁИХ Қашқадарё вилояти кенгаши қошидаги «Ёш тадбиркор» консультатив маркази тренери

Маънавият сарчашмаси

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Китоб инсоннинг маънавий эҳтиёжларини тўлдирувчи, бе-миннат билим бериб, мўжизалар дунёсига олиб кирувчи воситадир. Ҳеч бир замонни китобсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Китоб — дўст, суяни-чи, маънавий камолотимиз таянчи. Ундаги ҳаётий воқеа-ҳодисалар, ижобий қаҳрамонларнинг кечинмалари қалбимизни нурлантиради, яхшиликка, хайрли ишларга ундайди.

Юртбошимиз «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» рисола-сидида: «Барчамизга аёнки, XXI аср интеллектуал салоҳият, тафаккур ва маънавият асри сифатида инсоният олдида янги-янги уфқлар очиш билан бирга, биз илгари кўрмаган, дуч келмаган кескин муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёзувчининг башариятнинг эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Яъни ёзувчи «Эй одамзод, кўзингни оч, сен нима учун яшаёсан, инсон деган юксак номга муносиб бўлиш учун нима қиляпсан?» деган саволларни китобхон олдида, жамият олдида қатъий қилиб қўя олсагина, ўйлайманки, ўзининг инсоний ва ижодий бурчини бажарган бўлади», деган фикрларни келтириб ўтган эди.

Дарҳақиқат, тамаддуннинг даражаси интеллектуал қатлам билан белгиланади. Шу боис мамлакатимиз ёшларининг маънавий-маърифий камолотига алоҳида эътибор қаратиляпти. Буни китоб чоп этиш, матбаа ва ноширлик ишлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 108 та нашриёт, 1750 дан ортиқ матбаа корхонаси давлат рўйхатидан ўтган. Ҳар йили 2,5 минг номдан зиёд, умумий адади 40 миллион нусхадан ортиқ турли китоб маҳсулотлари чоп этилмоқда. Эллиқдан ортиқ нашриёт болаларга бағишланган ноширлик маҳсулотларини тайёрламоқда. Бугун юртимизда чиқарилаётган адабиётларнинг ҳар учтадан бит-



таси бевосита болаларга бағишланган нашрлардир.

«Болалар китоби» республика фестивалида юртимизда фаолият юритаётган олтимшдан ортиқ нашриёт ва матбаа корхоналари сўнгги йилларда чоп этилган икки юздан зиёд номдаги янги китоблари билан қатнашди.

— Улардан тўрт юз номдан ортиги болалар адабиётига оид, — дейди «Шарқ зиёкори» китоблар маркази директор ўринбосари Умид Холиков. — Кўргазмада кичик, ўрта ва катта ёшдаги болаларга мўлжалланган барча адабиётлар мавжуд. Жумладан, кичик ёшдаги болалар учун кўргазмалари китоблар, инглиз тилини ўрганиши учун «Инглиз тилини ўрганишимиз» китоблари, бундан ташқари, техника, дунё мамлакатлари, дунё мўжизаларига оид энциклопедиялар ҳам пештахталардан ўрин олган. Кейинги йилларда ўсмир болаларга мўлжаллаб, Охунжон Сафаровнинг «Ўзбек халқ ўйинлари», Фафур Фуломнинг «Шум бола» асари, жаҳон адабиёти намуналаридан Жюль Верннинг «Капитан Грант болалари», «Ўн беш ёшли капитан», Марк Твеннинг «Том Сойернинг бошдан кечирганлари» каби кўплаб асарлар китобхонлар эътиборига ҳавола этилди.

Боғ оралаб юрарканмиз, болаларнинг бир-бирига китобларни кўрсатаётгани, уларни варақлаб, ўртоқларига мақтанаётганини, шоир ва ёзувчилардан китобларига дил-сўзлари ёзиб беришини сўраётганини кўриб қувондик.

— Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида навқирон

авлод маънавиятини юксалтириш, уларнинг китобга бўлган меҳрини тобора ошириш масаласига устувор вазифа сифатида қаралмоқда, — дейди Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид. — Китоб қалб гавҳари, кўнгил зийнати. Ўтмиш ҳам, келажак ҳам китобда акс этади. Бугун ноширлик ва матбаа фаолиятида эришилаётган ютуқлар, улар томонидан тақдим этилаётган китоблар ўқувчиларни қувонтиради.

Илк мактабга чиққан пайтимизда «Китоб — билим булоғи», «Китоб билимнинг боши, ақлу идрок куёши», «Қат-қат қатлама, ақлинг бўлса ташлама» каби топишмоқ ва мақолларни ёд олганмиз. Бироқ ўшанда бу сўзларнинг маъноларини англай олмадик. Ҳозир эса бу пурмаъно фикрларнинг қанчалик тўғри ва ҳаққонийлигига яна бир қарра амин бўляпман. У пайтлар ноширлик эндигина гуллаётган давр эди. Санокли нашриётларни билардик, холос. Ҳозир эса юздан ортиқ нашриётларимиз томонидан минглаб нусхадан турли адабиётлар чоп этилмоқда.

Пештахталардан жой олган китобларни кузатар эканмиз, Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган Алишер Навоийнинг ўн томлик асарлар тўплами эътиборимизни тортди. Неча асрки улуғлаиб, фахр ва ифтихор билан тилга олиб келинаётган сўз мулкнинг султони болалигидан кўз китобга меҳр қўйган. Сақиз ёшли Алишернинг кечаю кундуз Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» асарини ўқиётганини кўрган отаси хавотирга тушади.

Бу ҳолат давом этавергач, китобни олиб қўяди. Буни қарангки, эртасига Алишер китобни бошдан оёқ ёддан айтиб берганида отаси хайратда қолади.

Бундан кўринадики, бизнинг аждодларимиз китоб ўқиш, илм олишни гоёт юксак даражада қадрлаган ва буни ёшлиқдан бошлаган.

Маданият ва истироҳат боғи бўйлаб нашриётлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг сўнгги йилларида чоп этилган асарлари кўргазмаси, Соғлом бола йилига бағишланган халқаро кўргазмаларда совринли ўринни эгаллаган китоблар, болалар адабиётига ихтисослашган нашрлар, жумладан, бадиий ва ўқув-маърифий китоблар, энциклопедик луғат ва маълумотномалар тақдими ташкил этилди.

— Ушбу фестивалнинг ўтказилиши биз, ёшларга катта қувонч бағишлади, — дейди пойтахтимиздаги 34-мактаб ўқувчиси Диёра Отабекова. — Мен китоб ўқишни яхши кўраман, айниқса, шеърий китобларни севиб ўқийман. Шу сабаб фестиваль доирасида турли нашриётлар томонидан ўтказилган китоблар хайрия акциясидан Мухаммад Юсуфнинг «Шоир севгиси», Зулфиянинг «Шалола» шеърий китобларини чегирмали нархларда сотиб олдим. Китоб харид қилганим учун Алишер Навоийнинг «Ғазал гулзоридан юз оташин гул» китобини қўшиб беришди. Бундан жуда хурсанд бўлдим.

Сайлда Республика ёш томишабинлар театри, Республика кўғирчоқ театрининг спектакл-

лари, «Баркамол авлод» болалар ижодиёти маркази қошидаги йигирмадан ортиқ тўғрақ аъзоларининг ижодий кўргазмалари намоиши, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг «Чинор» нашриёти томонидан тайёрланган «Она табиатни асрайлик!» мавзуидаги сахна кўринишлари байрамга янада кўтаринкилик бағишлади.

Китоб сайлида невараларини етаклаб, китобларни томоша қилаётган онахонни суҳбатга тортдик.

— Уйимизда кичкина кутубхонамиз бор, — дейди Манзура ая. — Уни мана шундай байрамлар ва дўконлардан олган янги китоблар билан бойитамиз. Бугун ҳам байрамга невараларим билан келиб, улар ёқтирган эртақ китобларни олиб беряпман. Ҳозир улар эртақ китобларга қизиқадиган ёшда. Расм чизишга қизиқадиган неварамга кўргазмалари китоблар харид қилдик.

Фестиваль доирасида «Энг яхши ёш китобхон», «Китобхон оила», «Менинг биринчи китобим», «Атроф-олам муҳофазаси — саломатлик гарови», «Мўжиза эмасдир фалақда офтоб, мўжиза асли беминат китоб», «Китоб — энг яхши совға» мавзуларида совринли интеллектуал ўйин ва викториналар ташкил этилиб, голибларга китоблар жамланмаси ва эсдалик совғалар топширилди. Шунингдек, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ёш ижодкорлар, адиб ва шоирлар, рассом-дизайнерлар ўртасида «Ўзбекистон — ягона Ватан!» мавзуида танлов, «Китоб ўқишни ёқтирасизми?» мавзуида ижтимоий сўровнома ўтказди.

«Болалар китоби» республика фестивали нафақат пойтахтда, балки бир вақтнинг ўзида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида ҳам бўлиб ўтди.

Инсон қалби ҳамиша билимга ташна, бу ташналикни эса мана шундай фестивалларда намоиш этилаётган китоблар билан қондириш айна муддао.

Назокат ҚУРБОННЎЗОВА,
«Turkiston» мухбири.
Рустам Назарматов
олган сурат.

«Osiyo o'yinlari — 2014»

ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ШАҲАРЧАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ БАЙРОФИ КЎТАРИЛДИ

ИНЧЕОН. 18 сентябрь. ЎЗА махсус мухбири Меҳрибон МАМЕТОВА хабар қилади.

Ўзбекистон спорт делегацияси XVII Осие ўйинларида иштирок этиш учун Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрига етиб келди.

Осие ўйинларининг спорт шаҳарчасида қитъамизнинг 45 мамлакатли спорт делегациялари жойлашди. Шаҳарча янги бунёд этилган 22 қаватли турар жой бинолари ва 15 минг кишилик 2,2 минг квартирани ўз ичига олган уч кварталдан иборат.

Осие ўйинларини юқори савияда ўтказиш мақсадида Инчеон шаҳрида

қатор спорт объектлари, жумладан, олти спорт майдони, Аква-марказ, волейбол зали ва теннис мажмуаси, спорт саройи ва марказий стадион барпо этилган. Марказий стадионда XVII Осие ўйинларининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари бўлиб ўтади.

Ўзбекистон спорт делегацияси энг катта делегациялардан биридир. Улар орасида дзюдочи Ришод Собиров, боксчи Ойбек Мамазулов, энгил атлетикачи Светлана Радзивилл, теннисчи Денис Истомино, оғир атлетикачи Улуғбек Алимов ва Руслан Нурудинов каби машҳур спортчилар бор. XVII Осие ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган машҳур спортчи-

ларимизнинг аксарияти Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ўтказиб келинаётган уч босқичли спорт мусобақалари — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиадада кашф этилган. Олимпия ҳаракати принципларига тўла мувофиқ равишда ўтказиб келинаётган ушбу мусобақалар юз минглаб ёшлар учун оммавий спорт майдони, халқаро ареналарда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир истеъдодли спортчиларни тайёрлаш мактабига айланди.

18 сентябрь кuni спорт шаҳарчасининг расмий, маданий, тантанали тадбирлар ўтказиладиган майдонида Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси ян-

раб, давлат байроғи кўтарилди.

— Нуфузли спорт мусобақаларидан бири бўлган Осие ўйинларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиш бизга ғурур бағишлайди, — дейди оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионатининг кумуш медали совриндори Улуғбек Алимов. — Давлатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз кўтарилганда қалбимиз фахр-ифтихорга тўлди. Спорт шаҳарчасида ҳилпираб турган байроғимизни кўриб, шундай нуфузли мусобақада, аввало, мустақиллигимиз шарафати, Президентимиз томонидан соғлом, баркамол авлодни тарбиялашга қаратилаётган эътибор, спорт билан шуғулланиш учун яратилаётган қулай шароит туфайли иштирок этаётганимизни ҳис этдик. Спорт том маънода ҳаётимизнинг мазмунига айланган. Бизга билдирилган ишончни оқлаш ва юқори натижаларни қўлга киритиш учун бор имкониятимизни ишга соламиз.

Инчеон шаҳридаги XVII Осие ўйинларида қитъанинг энг сара спортчилари 50 спорт тури бўйича ўзaro беллашади. 300 нафарга яқин ўзбекистонлик спортчи спортнинг 32 тури бўйича мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.



Давр билан ҳамнаорас ёшлар

Фаргона вилоятининг туман ва шаҳарларидаги фаол ёшларни вилоят марказидаги улкан бунёдкорлик ишлари билан таништириб бориш анъана тусига кирган. Бу галги саёҳат бешариқлик ёшлар иштирокида амалга оширилди.

Бешариқ тумани ёшлари бир кун давомида Фаргона шаҳрида қад ростлаган санъат саройи, сув спорт ҳавзаси, «Нефтчи»

ўйингоҳининг ўзига хос архитектураси, уларда яратилган шароитлар билан яқиндан танишдилар. Ёшларни бунёдкорлик

ишлари билан таништириш асносида улар қалбида мамлакатимизда бўлаётган улкан ижобий ўзгаришлар, ёшлар манфаатлари йўлида қилинаётган саъй ҳаракатларнинг ёрқин намуналарини ўз кўзи билан кўриш имконияти яратилди.

Дилнавоз ҚҮЛДОШЕВА,
Фаргона вилояти

Menga soʻz bering

Етукликка даъват

Мамлакатимиз олий таълим муассасаларида янги ўқув йили бошланиб, дарс машғулотлари ҳам қизғин паллага кирди.

Талабаларнинг дастлабки кунлари мен каби биринчи курс талабалари учун жуда қизиқарли ўтапти. Ўзлари танлаган йўналиш бўйича ўтилаётган ҳар бир дарсни катта қизиқиш билан ўзлаштираётган тенгдошларим учун «Талабалikka қабул қилиш» тадбири ташкил этилди.

Ўзбекистон Миллий университетининг Маданият саройида бўлиб ўтган мазкур тадбирда биринчи курсга қабул қилинган талабалар яхши ўқишга ваъда берди. Устозларимиз биз, ёшларни талабалик билан табриқлаб, замонавий талаблар асосида таълим олиб, юксак илм-фан, касб-хунар чўққиларини эгал-

лашга ҳаракат қилишимизни айтиб ўтди. Ўз навбатида, биринчи курс талабалари юртимизда ёшларнинг билим олиши, соғлом баркамол бўлиб вояга етиши учун кўрсатаётган доимий ғам-ўрлиги ва эътибори учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, бундай ишончни оқлаш учун бор куч-ғайратини ишга солишга, ватанимизга, халқимизга муносиб малакали кадр бўлиб етишишига ишонч билдирди.

Тадбирда биринчи курс талабаларига анъанавий рамзий калит топширилди. Бу, замонавий илм-фан, касбу хунар эшикларини очиб, уларни ҳар томонлама чуқур ўзлаштиришга қаратилган ўзига хос даъватдир.

Тадбир сўнггида талабалар учун байрам концерти намойиш этилди.

Хилола ҚАРШИБОЕВА,
ЎЗМУ талабаси

Xotira

Аждодлар мероси — ибрат

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида қатагон қурбонлари хотирасига бағишлаб «Ўтганлар ёди» деб номланган давра суҳбати ташкил этилди. Унда адабиётшунос олимлар, тарихчи ва файласуфлар, шоир ва ёзувчилар билан биргаликда ўқувчи ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан профессор Наим Қаримов, доцент Сотимжон Холбоев, шоир ва ношир Шукур Курбонов ва бошқалар қатагон даврининг мазмун-моҳияти, ушбу даврда яшаб, миллат маънавиятини юксалтириш йўлида ижод қилган, халқ фаровонлиги, хурлик ва озодликдек муқаддас ва мўътабар неъматга етишиш учун умри давомида

интилган буюк аждодларимизнинг ибратли фаолияти тўғрисида фикр юритди. Шунингдек, мазкур давр тарихи ва улуг ота-боболаримизнинг машаққатли турмуш тарзи ҳақидаги ҳаётий лавҳалар намойиш қилинди.

Тадбир давомида тадқиқотчиларимиз томонидан бугунги кунда ушбу мавзу юзасидан олиб борилаётган илмий изла-

нишлар ҳамда чоп этилаётган мақола, рисола ва китобларнинг ёш авлод маънавияти учун нечоғли зарур ва аҳамиятли экани хусусида мулоҳазалар билдирди.

Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг «Тафаккур» ўқув залида тадбир муносати билан қатагон қурбонлари хотирасига бағишлаб ташкил этилган китоб-суратлар кўргазмаси улуг мутафаккир аждодларимизнинг эзгу амаллари, улар қолдирган бой маънавий меросдан ҳикоя қилиб, тенгдошларимизнинг бу ҳақдаги тасаввурини кенгайтиради ва билимларини янада бойитишга хизмат қилди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ

Qadriyat

Марг ўйинлар ўйини

Халқимизнинг асрий анъаналари, урф-одат ва қадриятлари унинг миллий ўйинларида ҳам ўз аксини топган. Асрлар доволанган ўтиб шаклланган, сайқалланиб келаётган халқона руҳдаги ўйинлар бугун ўз қадр-қимматини йўқотган эмас. Кўпқари халқимизнинг қадимий ва оммавий ўйинларидан бири саналиб, унинг моҳиятида танти халқнинг мардона руҳи, орияти ётади. Фурур, номус тушунчалари кўпқарининг ажралмас қисми ҳисобланади.



Бу қадимий ўйинимиз неча минг йиллардан буён Ўрта Осиё, умуман, Шарқ халқларини ўзаро дўстлик ришталари билан боғлаб, ёш авлодни жисмонан соғлом, абжир ва чаққон, мардлик ва эпчиллик руҳида тарбиялаб келмоқда. Майдондаги отларнинг кишнаши, чавондознинг шиддати, томошабинларнинг ҳайқириғи-ю баковулнинг чорлови — ҳамма-ҳаммаси бу ўйинни санъат даражасига кўтаради. Отлар дупури эса дўмбира ва чанқовуз овозига жўр бўлиб, кишига ўзгача завқ бағишлайди.

Бугун республикамизнинг кўплаб ҳудудларида тўй-томошалар, байрам ва сайллар кўпқари ўйинларисиз ўтмайди. Ўзида мардлик ва шижоат туйғуларини жо этган, ҳалол курашувчанликка ундовчи бу ўйин юртимиздан ташқари, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Афғонистон, Қозоғистон, Мўғулистон республикаларида ҳам анча оммалашган. Бу ўйинни биз ўзбекларда «кўпқари», «улоқ», «кўкбўри» дейишса, қирғизларда «кўкпар», форсий тилда сўзлашувчи халқларда «бўзқоши», русларда «козлорание» деб аталади.

— Бугун кўпқарининг географияси жаҳоннинг эллиқдан ортиқ давлатини қамраб олди, — дейди Ўзбекистон улоқ-кўпқари федерацияси президенти Жўрақўзи Турдиматов. — Халқимизда бу қадимий ва миллий ўйинга бўлган қизиқиш шу даражада ортиб бораптики, ҳозир дунёнинг кўплаб давлатларидан вакиллар келиб бизнинг кўпқари ўйинимизни ўрганиб кетяпти. Улоқ чопишнинг етти тури мавжуд бўлиб, юртимизда асосан икки-уч тури оммалашган. Баъзи жойларда шундай кўпқари борки, битта

белги қўйилади ва улоқ ўша ерга ташланса ҳисоб. Қозон кўпқари ҳам шунинг бир кўриниши. Унда икки жамоа ўн икки нафар иштирокчидан ташкил топиб, майдонда беш кишидан куч санашади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида эса кўпқарининг бошқача кўриниши ҳам мавжуд. Унда чавондоз тўдадан улоқни айириб чиқса бўлди — ҳалоли шу! Бошқа спорт турларида бўлгани каби, кўпқарида ҳам чавондознинг махсус кийимлари: тасодифий хавфли зарбалардан ҳимояловчи телпаги, пўстини, шими, этик ва қамчиси бўлади.

Республикамизда бу ўйинни янада ривожлантириш, уни янада оммалаштириш мақсадида 2001 йил улоқ-кўпқари Ўзбекистон от спорти федерацияси таркибидан ажратилиб, алоҳида федерация сифатида ташкил этилди. Федерация тузилгач, давлатимиз томонидан бу ўйинга бўлган эътибор янада ортди. Жойларда турли турнирлар ўтказилиши билан бир қаторда, янгидан-янги отчопарлар бунёд этилиб, томошобинлар учун қулай шароитлар яратилди. Федерация ҳар йили улоқ-кўпқари бўйича Ўзбекистон чемпионати ва кубоги баҳсларини ўтказиб, кучли чавондозларни аниқлаб келади. Улоқ-кўпқари бўйича биринчи Ўзбекистон чемпионати 2002 йил Жиззах вилоятида, биринчи Ўзбекистон кубоги баҳслари 2004 йил Қашқадарё вилоятида, юртимиздаги илк халқаро турнир эса 2003 йил Тошкент вилоятида бўлиб ўтди.

Жорий йилнинг 1-7 ноябрь кунлари Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида биринчи Осиё чемпионати ўтказилди. Бу турнирда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш мақсадида бугунги кунда ҳудудларда саралаш босқичи олиб борилмоқда.

Санжар ИСМАТОВ,
ЎЗМУ талабаси



Iste'dodli yoshlar — mamlakat kelajagi

Устозлар ўўлини тутиб

Рубоб торлари Азаматнинг қўлларида «эркаланиб», ўзидан ажойиб куй чиқара бошлади. Жозибали оҳанг беихтиёр залдаги томошабинларни ўзига мафтун этди. Кимлардир куйдан сеҳрланиб, руҳан ором олса, баъзилар ҳаёлга чўмди. Рубобда гоҳ шўх, гоҳ сокин янграётган наволар ҳаёт дафтаримизни бирма-бир варақлайди. Саҳнада берилиб рубоб чалаётган Азамат Аҳмедов билан боғлиқ хотиралар ҳаёлимда жонланди...

Азаматни илк бор 2013 йилда «Нафосат — бўстони менинг» республика танловида кўргандим. Ушанда унинг истеъдодига кўпчилик тан берганди. Гап шундаки, у ҳали ёш бўлишига қарамай, «Хоразмда Хива бор» кўшиғини моҳирона ижро этди, рубоб, ух асбобида «Калмий» куйини чалиб, томошабинларни илохий куй ва кўҳна оҳанглардан завқлантирди. Ҳакамлар ҳайъати ёш санъаткорга келгуси ижодида омадлар тилаб, унга иккинчи даражали диплом топширди. Шунда Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси Азаматнинг чақноқ кўзларидан ёшларга эътибор, ғамхўрликдан миннатдорлик ҳисларини ўқдим. Бетакрор овозини тинглаб, унинг шижоати, интилишларини кўриб, келажақда Азамат эл ардоғидаги санъаткор бўлади, деган умидни қалбимга жойлагандим...

... Қашқар рубоби оҳанглари янада мавжланди. Куй юракларни тебратиб юбор-

ди. Залдан «Баракалла! Яша, Азамат!» деган алқовлар эшитилди. Ҳаёлим бир зумга чалғиб, бироздан сўнг яна халқалардек уларни бир бирига уладим. Азаматни иккинчи марта учратган куним кино картинасидек ҳаёлимдан ўта бошлади...

Ўтган йили Ўзбекистон давлат консерваториясида ёш рубобчилар иштирокидаги концертда Ўзбекистон халқ артисти Ортиқ Отажонов унинг ижро маҳоратини юқори баҳолаб, «бу азамат ҳали зўр хонанда бўлади» дея ишонч билан гапирганди. Илк таассуротимдаги умиднинг ушалаётганига чиндан амин бўлдим. Чунки ёш санъаткор қобилияти, самимий ижроси ила халқ назарига тушаётганди...

... Рубоб торидан хурсандчилик оҳанги келди. Бу Азаматнинг юрагидаги овозга монанд янграётгандек гўё. Ўйларим яна бўлиниб, саҳнага эътибор қаратдим. Баланд бўйли,

келишган азамат йигит кўлига ўзида асрий анъаналаримизни жо қилган кўҳна, сеҳрли оҳанг дурдонаси — рубоб хўп ярашибди. Хотирамда у билан гурунглашган онлар уйғонди. Ҳаёлим мени яна ўша кунларга бошлаб кетди...

Ушанда у Хива шаҳридаги 9-мактабнинг 5-синфида ўқирди.

Углининг санъатга бўлган меҳрини кўрган отаси Шавкат оға уни мусиқа тўғрагида берди. У ерда Азамат миллий мусиқа асбобларини чалишни кунт билан ўрганди. 2005 йил «Ёш истеъдодлар» танловининг мамлакат босқичида қолиб бўлди. Сўнгра Урганч санъат ва маданият коллежига ўқишга кирди. Коллежда миллий созандалик сирларидан дарс олди. Тажрибали устозлари кўмагида истеъдодини янада сайқалантириб борди. Тинимсиз меҳнат, изланиш ўз самарасини бериб, 2006 йилда Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси бўлди. Бу даргоҳда моҳир санъаткорлардан санъатнинг ўзига хос сирларини ўрганди, истеъдодли ижодкорлар билан яқиндан танишди. Байрам концертларидан бирида Ўзбекистон халқ артисти Ортиқ Отажоновнинг назарига тушди. Кейинчалик устозидан мусиқа оҳанглари, шеърни ҳис қилиш санъатини теран



Рустам Назарматов олган сурат

ўзлаштирди. Тор, дутор чалиб ўрганди...

...Зал олқишларга тўлиб кетди. Қарсақлар Азамат Аҳмедовнинг таланти, ижросига дилдан айтилаётган мактовлар эди.

— Биз, ёш санъаткорларни доим қўллаб-қувватлаб, ижодий парвозимизда куч-қувват бўлаётган давлатимизга, Ўртабшмиизга, юртдошларимизга раҳмат, — дейди Азамат тўлқинланиб. — Сизларнинг ишончингизни санъатимиз,

билим салоҳиятимиз билан оқлашга ҳаракат қиламиз. Она Ватанимизда шундай куй-қўшиқлар янграйверсин!

Олқишлар. Олқишлар... Ниҳоят, «Ягонасан, муқаддас Ватан — 2014» танлови якунланди. Унда «Каприз» куйини чалган «Мумтоз» ашула ва рақс ансамбли хонандаси Азамат Аҳмедов яна фахрли ўринга муносиб топилди...

Кумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» муҳбири



ДИҚҚАТ,

болалар тағбири

Жорий йилнинг 2 сентябридан 12 сентябрга қадар республика миқёсида «Диққат, болалар!» тадбири ўтказилди. Болалар иштирокида содир бўлаётган турли йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, мактаб ўқувчилари ва мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларига «Йўл ҳаракати қоидалари»ни ўргатиш мақсадида ўтказилган мазкур тадбир Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан амалга оширилди.

Ўтказилган тадбирлар доирасида давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари таълим муассасаларида йўл ҳаракати қоидалари бўйича ўқув-машғулотлар ўтказиб, ўқитувчи ва мураббийлар томонидан ташкил этилаётган машғулотларнинг боришни назоратга

олди. Мактабларга ҳаракат хавфсизлиги бўйича махсус синфлар, бурчаклар ва автомайдончаларни жиҳозлашда амалий ёрдам кўрсатилди.

Тадбир доирасида мутасадди идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида 10228 километр йўл ва кўчалар кўриқдан ўтказилди. 1218

дона янги йўл белгилари ўрнатилиб, 1185 та пиёдалар ўтиш жойларига йўл чизиклари чизилди. Кўрик натижалари бўйича маҳаллий ҳокимлик, тегишли идора ва ташкилотларга 167 та тақдимнома киритилди.

Шунингдек, автомобиль йўлларига яқин жойлашган ўқув муассасалари атрофида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида вақтинчалик йўл-патруль хизмати постлари ташкил этилди.

Бундай тадбирлар мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларида ҳам олиб борилди.

Акмал ЮНУСОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бош бошқармаси инспектори, капитан

Yosh kitobxon

Сабоқ берувчи ҳикоялар

«Кампир тонг қоронғусида хамир қилгани туриб хўкизидан хабар олди. О!.. хўкиз йўқ, оғил кўча томондан тешилган. Деҳқоннинг уйи куйса куйсин, хўкизи йўқолмасин». Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўғри» ҳикоясидан олинган ушбу жумлалар деярли барча китобхонга таниш. Унинг «Анор» номли қисса ва ҳикоялар тўпламидан ўрин олган ҳар бир асар ўқувчи кўнглига энгил «ҳазм» бўлади.

Адиб ҳажвий ҳикоялари орқали одамлар феъл-атворидаги айрим нуқсонларни кескин танқид остига олган. Ҳазил-мутойибага йўғрилган гаплари ҳам чуқур маънога эга. Биргина «Санъаткор» ҳикояси орқали сўзларни ноўрин қўллайдиган саводсизлар устидан энгил кулади. Унда «Таъбир жоиз бўлса» иборасини «Таъбир жоиз кўрилса» тарзида қўллайдиган, «бўса» сўзи ўрнига «бўлса» сўзини қўйиб кўшиқ айтadиган, кичик ҳарфни ёзиб қаттиқроқ талаффуз қилса, бош ҳарфга айланади, деб ҳисоблайдиган санъаткор ҳақида билиб оласиз. Муҳими, адибнинг ҳикоя ва қиссаларидаги барча воқеалар ҳаётий. Шу боис уларни тасаввур қилишингиз, қаҳрамонларга дўст тутинишингиз осон. Асарлардаги воқеалар мазмунан ўша давр руҳиятига монанд, унда инсонларни қийнаётган

муаммолар, камчиликлар яққол кўзга ташланади. Замон нафаси уфуриб турган ҳикоялар орқали сиз ҳам беихтиёр ўша оламга тушиб қолгандек бўласиз. Ёзувчи ҳаётий ҳодисаларни ҳикоя қилади. Шунинг учун асар воқеалари китобхон шуурига осон сингиб кетади.

Ўринли ва кенг фойдаланилган халқ мақоллари асарлари таъсирчанлигини янада оширган. «Бемор» ҳикоясида бетоб ётган аёл ва унга ёрдам беришга батамом ожиз бўлган инсонлар ҳаракати моҳирона тасвирланган. Бу воқеаларга уйғун тарзда «Осмон йироқ, ер қаттиқ» мақоли эпиграф қилиб олинган. Ҳикояни ўқиб, нима учун айнан шундай эпиграф танланганини англаб етасиз. Кўзи тиниб, боши айланиб ётган беморга ва уни даволатиш мақсадида елиб-югурган, аммо ҳеч қандай ёрдам бера олмаган Сотиболдига қанчалик раҳмингиз келса, касалга ёрдам бериш ўрнига уни янада оғир аҳволга солган табибдан, имконияти бўла туриб ёрдам бериш ўрнига қуруқ маслаҳатдан нарига ўтмаган Абдуганибойдан шунчалик нафратланасиз.

Шунингдек, Абдулла Қаҳҳор ёшлар тарбияси масаласини ҳам қаламга олади. «Тўққизинчи синф аълочиларидан темир-терсақни ҳаммадан кўп йиғиб номи радиога тушган ва мактаб маъмуриятидан раҳматлар эшитган Зухраҳон деган қиз йўқолиб қолди» жумлалари билан бошланган ҳикояда ўз келажақ тақдирини энгил қараган қиз ва уни ҳаддан ортиқ талтайтириб юборган она изтироблари тасвирланган.

Адибнинг қайси ҳикоясини ўқиманг, ҳар бирини ҳаётий сабоқ оласиз.

Феруза ЖўРАЕВА,
ЎЗМУ талабаси



Назариё билимларнинг амалиётгаги инъикоси

Бу ўқувчилар «Ёш кимёгарлар» тўғарагининг фаол аъзолари. Улар наинки дарс жараёнида, балки тўғарак доирасида зарур кимёвий препаратлар, техник ҳамда технологик ускуналар орқали олиб бориладиган амалий машғулотларда кимё фанини янада чуқур ва пухта ўрганишга интилади.

Замонавий жиҳозланган, барча шароитларга эга кенг ва шинам кимё лаборатория хонаси эса улар ихтиёрида.

Дарсдан бўш вақтларда таълим масканидаги лабора-

тория хонаси одатдагидек, мана шундай билимга чанқоқ ўғил-қизлар билан гавжумлашади. Шу аснода ўқувчиларнинг фан юзасидан олган назарий билимлари турли кимё-

вий реакциялар ўтказиладиган амалий машғулотларда янада мустаҳкамланмоқда.

Рустам НАЗАРМАТОВ
олган сурат

Bilasizmi?

Табассум қилинг, ҳозир қўшча учиб чиқади

Барчамиз эсдалик учун сўраётган бўлишимиз. Лекин илк фотосуратлар қачон олинганини биласизми?



Илк фотосурат 1827 йилда Француз кашфиётчиси Жозефс Нйепс томонидан тоғ смоласи қопланган мис пластинкага тасвирга туширилган. У мазкур пластинкани камера-обскурага жойлаштириб, ўн соат мобайнида ёруғликни таъсир эттирган. Шундай қилиб биринчи фотосурат дунёга келган. Кейинчалик 1839 йили Луи Жак Дагер (1787-1851) шиша пластинкада тасвир ҳосил қилишни ўйлаб топди. У кумуш тузлари қопланган пластинкани камера-обскурага жойлаштирди. Бундай фотография Дагер шарафига дагеротип деб аталди. Инглиз олими Талбот (1800-1877) фотосуратни ёруғлик сезгир қоғозга тушириш усулини ўйлаб топган бўлса, француз ака-ука Луи ва Огюст Люмерлар (1930) рангли фотография учун пластинка яратди. Бундай кашфиётлар ҳамон давом этмоқда.

Осмон жисмларини томоша қилишни орзу қилган Галилео Галилей (1564-1642) оптикка соҳасида кўплаб тажрибалар ўтказиб, телескопни ихтиро қилди.



30 мартта катталаштириб кўрсатадиган телескоп

Замондошларини қойил қолдирган унинг бу ихтироси одамларга ой, қуёш ва сайёраларни кузатиш имконини берди. Натижада осмондаги юлдузларнинг сони энг ўтқир кўзли одам кўрайдигандан ҳам анча кўп экан. Ньютоннинг телескопга қўшган қавариқ кўзгуси эса тасвирнинг аниқлигини анчага оширди. Мазкур кашфиёт қайтаргичли телескоп деб аталди.

Бугунги телескоплар осмон жисмларини автоматик тарзда «ўзлари» кузатади. Улар осмон қисмларининг фотосуратини олади ва жисмларни катталаштириб кўрсатади. Ҳаттоки, хонадонимизда туриб уларни бемалол кузатишимиз мумкин.

Зарнигор АБДУМАЛИКОВА
тайёрлади

Tabiat mo'jizasi

НОВҚА АЖОЙИБОТЛАРИ

Бахмал туманини тоғларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу ном табиатнинг ўзидан келиб чиққан. Туркистон ва Морғузлар тоғ тизмалари туташган ҳудудда Новқа, Ойқар, Тангатоғди каби кўплаб хушманзара жойлар бор. Улар маҳобатли қоялари, адоғи йўқ яйловлари, хилма-хил ҳайвонот ва наботот олами билан кишида ажойиб таассурот қолдиради.

Новқа — туя ўрқачлари ораси маъносини англатади. Жиззах вилоятининг Бахмал туманида жойлашган қишлоқ шу ном билан аталади. Бу сўлим масканининг табиати мўъжизаларга бой, тупроғи ниҳоятда серҳосил.

Бу ерга эрта баҳорда ялпиз, наъматак, кийикўт каби ўнга яқин турдаги доривор гиёҳлар сабза уради. Шу боис бу ўлка табиблар юрти деб аталади. Бу хушманзара жойларга келиб-

Ҳатто айрим тошлар турфа нуқтадан турлича кўринади. Олисдан одамлар гавдасини эслатади: ибодат қилаётган аёлни, йиқилаётган болани... Бу мўъжизалардан ҳайратланмай илож йўқ.

Новқада қадимдан эгарсозлик ривожланган. Бу ердаги хунармандлар ясаган от-улов эгарларининг донғи бутун мамлакат бўйлаб ёйилган. Асосан, тол дарактидан тайёрланадиган буюмлар бир неча бўлақларга



кетувчиларнинг кети узилмайди, уларнинг завқ ва ҳаяжонлари чегара билмайди.

Баланд тоғлардан оқиб келатган жилға ва ирмоқлар кўллари ҳосил қилади. Ундаги балиқларнинг ранг-баранглигидан ҳайратга тушасиз. Кўл ва ҳавза бўйларидagi жониворлар балиқларнинг севимли озуқаси. Новқа тоғидаги какликлар хуснини кўз-кўз қилиб, офтоб қаёққа кўчса, у ҳам ўша жойга ошиқади. Ўн саккизтагача полапон очади. Полапонлар тухумдан чиққан заҳоти озуқа қидиришга тушади.

Табиат — моҳир ҳайкалтарош, тоғу тошларида фаройиб шакллар вужудга келган.

ажратилиб, миҳсиз, чармсиз пай билан бириктирилади. Қишлоқда пичоқчилик, темирчилик каби хунармандлик аъналарини давом эттираётган сулолалар анчагина.

Новқа кишиларга меҳр улашаётган саховатли ўлкага ўхшайди. Осмонга етгудек тоғлар ва поёнсиз кенгликлар, бир сўз билан айтганда, она табиатдаги жамики гўзаллиқни асраб-авайлаб, қадрига етсак, унинг бизга берадиган ҳадялари кўп.

Мактуба БАДАЛОВА,
Жиззах вилояти Фалларол туманидаги 16-мактаб ўқитувчиси

ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

Дмитрий Иванович Менделеевнинг кимёвий элементлар даврий жадвали ҳақида биламиз. Мазкур жадвалга биз қундаик турмушда фойдаланадиган ускунанинг асосий қисмини ташкил этувчи суюқ металл номи киритилган. Савол: бу кимёвий унсур қандай номланади?

Жавобингизни **23 сентябрь** соат **16:00**га қадар **233-79-69, 233-95-97** телефон рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:

Садриддин Айнийнинг «Куллар» романи.
Биринчи бўлиб тўғри жавобни Қашқадарё вилоятидан Сарвар Примов йўллади.

YONDAFTARCHANGIZGA

Бу олам бир бору бир йўқ. Аста-аста кетганлар — йўқ, аста-аста келувчилар — бор.

Жалолiddин Румий